

ТОНТ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 55 (65931)
1996 йил, 3 август, шанба

Сотувда эркин
нархда

КУРИШГУНЧА ХАЙР. ОЙЖАМОЛ

Ойжамол менинг қорқалпо-
гистонлик дутонам. У билан Анг-
рендаги йул қурилиши ходим-
ларининг фарзандлари учун
очилган оромгоҳда дам олдим.
Янги дўстлашган дутонамнинг
яхши фазилатлари ҳақида гапи-
радиган бўлсам: у росттуй, эп-
чил, ширинсуз ва одобли қиз. У
менга ва бошқа тенгдошларим-
га ўзи яшайдиган Нукус шаҳри,
унинг одамлари, об-ҳавоси, то-
мошабоп жойлари ҳақида ҳи-
қоя қилиб берарди. У туғилган
тупроғи ҳақида шу қадар меҳр
билан гапирардики, ҳавасимиз
келарди.

Биз оромгоҳда дам олган йи-
гирма тўрт кун ичида республи-
камизнинг турли вилоятлари-
дан келган бошқа болалар ва
қизлар билан ҳам дўстлашдик,
бир-бирларимизнинг манзилгоҳ-
ларимизни ҳам ёзиб олдик.
Айниқса, уларнинг: «Уйингдан
узоқда ота-онанг қадри кўпроқ
билинаркан» деган сўзлари
таъсир қилди.

Мен оромгоҳда курган-кечир-
ганларим тўғрисида мактабга
қайтгач, синфдошларимга ба-
тафсилроқ айтиб бераман.

Моҳира ЗАФАРОВА

БОШҚАЛАР ЙИГИШГАНДА БИЗ ЭКАМИЗ

Август ойида кўпчилик деҳ-
қонлар ҳосил йиғиш ишларига
киришадилар. Биз булсак энди
экин-тикинни бошлаймиз.

Тошкент вилояти, Бўс-
тонлик тумани, Хондайлик
қишлоғининг тоғли жойи-
да «Узулгуржибиржасав-
до» бирлашмаси қошидаги
коммунал-Фойдаланиш
ва савдо-манший хизмат
бошқармасига қарашли
«Нилуфар» болалар соғ-
ломлаштириш оромгоҳи
бор. Кимки бу масканга
келса, хотирада фақат
пўбний таассуротлар би-
лан қайтади. Зеро, ушбу
оромгоҳда аввало ҳавони-
нг софлиги, атроф серсоя
экан, турли шароит ва қу-
лайликлардан дил
яйрайди.

«Қасрда?» дейсизми? Иссиқхо-
нада-да. Айни дамларда ерга тик-
кан помидор, бодрингларимиз
қаҳратон қишда ҳамшаҳарла-
римиз дастурхонини безайди.
Шу сабаб ҳам дадам Хумсонда-
ги оромгоҳга йўлланма олиб
келганларида бормадим.

— Йўқ, урнимга сингдим бо-

ИҚТИСОДЧИ БЎЛАМАН

Туртинчи чоракнинг сунгги
дарслари давом этарди. Муал-
лимамиз Маҳсума опа «Ким бўл-
моқчисиз?» деган мавзуда ин-
шо ёзишимизни айтдилар. «Бо-
лалар, кўнглингизда нима бўл-

ладим. Тил урганиш ниятим бор-
лиги, компьютерда ишлашни
билиш ҳам фойдали экани, чет
элларга бориш орзуим ҳам йўқ
эмаслигини қоғозга туширдим...

Орадан ҳеч қанча ўтмади. Шу
кунларда мақсадларимнинг да-
стлабки бир қисмига стиш ара-
фасидаман. Тошкентдаги 90-ли-

ДЕЛЬФИН ТАШЛАБ КЕТМАДИ

Аллин — бу силлиқ танаси
қуёшда товланиб турган чи-
ройли дельфин. У сувдан чақ-
қон сакраб чиқиб, эгаси Абдул-
ланинг қирғоққа яқин келиши-
ни кутади. Дусту ҳам ҳар доим-
гидек унинг сеvimли таоми бўл-
ган саккизоёқни узатади. Ал-
лин уни ютиб юборади, сунг
тумшуги билан Абдулланинг
қўлларини силаб уз миннатдор-
чилигини билдиради.

— У мени яхши кўради, —
дейди кузлари қувончдан пор-
лаб Абдулла қирғоққа қайтгач.

Мутахассислар дельфин би-
лан инсоннинг бундай сами-
мий дўстлигига жиддий қараш-
моқда. Уларнинг фикрича, Ал-
линнинг шериги қандайдир са-
баб билан ҳалок бўлиб, у елгиз
қолган.

Бундан икки йил олдин Аб-
дулла дусту Муҳаммад билан
қайиқда балиқ овидан қайти-
шадиганда биринчи марта жо-
ниворни куриб қолишди ва уни
балиқ билан меҳмон қилишди.
Шундан буён Аллин улар
билан тез-тез учрашиб туради.

Дельфинлар қирқ йилча умр
қуришади. Аллин йигирма беш
ёшларда. У одамлардан кўрқ-
майди. Бирга уйнайди. Айниқса
Абдуллани курганда узгача му-
қом қилади. Балки унинг бу
ҳатти-ҳаракати болакайнинг
мажруҳлиги ва ақли заифлиги-
га «ачингани» дандир.

Тошкентдаги 179-мактаб
ўқувчиси

Ҳусан НАБИЕВ таржима
қилди.


ТОШКЕНТЛИК

ЁШ

МУХБИРЛАР

ХАБАР

ҚИЛАДИЛАР



рақолсин, ахир иссиқхонада
иш тикилиб ётсаю, мен сал-
қинга қочсам, — дедим.

— Борақол яқинда ўқишлар
бошланади, дам олиб келсан
дейишди.

Мен қароримни ўзгартирма-
дим. Иссиқхонага, дадажоним
ёнларига югурдим.

Зуфар ОРИФХУЖАЕВ,
Тошкентдаги 268-мактаб
ўқувчиси.

са очик-ойдин баён қилинлар»
дея чиқиб кетдилар. Ҳозир си-
нфда шовқин-сурон кутарилиб
кетса керак, деб уйлагандим.
Аксинча, ҳамма ҳаёл суриб қол-
ди. Шунда энди биз ҳам анча
катта бўлиб қолганимизни, мус-
тақил фикрлай олишимиз за-
рурлигини сездим. Бир оз ўтгач
синфдошларим ёзишга кириш-
ди.

«Иқтисодчи бўлмоқчиман»,
даблурустдан ана шундай бош-

сейга ҳужжатларимни тошпир-
дим. Яқинда биринчи синов —
суҳбатдан яхши ўтдим. Қувонч-
ларим чексиз. Олдинда тест-им-
тихонлари турган бўлса-да,
кўрқмаяшман. Барча ўқишга ки-
раётган тенгдошларимга ҳам
шундай кутаринкилик, омад ти-
лайман.

Гавҳар ОРИФХУЖАЕВА,
Тошкент шаҳар, Сирғали
тумани.

— Болаларнинг кўнгли-
дагидек ҳордиқ чиқариш-
ларига астойдил ҳаракат
қиляпмиз. — дейди ором-
гоҳ раҳбари Абзам Холму-

ларга чиқишни уюштиряп-
миз.

Фурсатдан фойдаланиб
«Ёш мухбир» тўғарагнинг
қатнашчиларига мурожаат

ЁДДА ҚОЛУВЧИ ДАМЛАР

ҳамедов, — улар учун тўрт
маҳал овқат, тиббий хиз-
мат ташкил этилган. Бун-
дан ташқари «Моҳир қўл-
лар», «Ёш мухбир», «Расм»
тўғараклари, кутабхона
ишламоқда. Тез-тез тоғ-

қилдик.

— Ростини айтганда, —
деди Сардор Маҳму-
дов, — менга «Нилуфар»
оромгоҳи ёқиб қолди. Биз
учун барча шароитлар му-
ҳайе. Ҳар кун қандайдир

қизиқарли тал-
бир ўтади. «Ёш

мухбир» тўғара-
гига қатнаб мақола ва пав-
ҳа ёзишни урганиб олдим.
Ёз таассуротлари асосида
ёзганларимни янги ўқув
йилида синфимиз деворий
газетасида ёритмоқчиман.

— «Нилуфар» оромгоҳи,
— дейди яна бир тўғарак
аъзоси Жаҳонгир Нисозов, —
ёдимизда узоқ йилларга
қолади. Дам олш даво-
мида дўстлар орттиришга
ҳам муваффақ бўлдим,
бир неча бола билан са-
мимий муносабатлар ўр-

Ёз — ўтмоқда саз

натдим. Тўғаракка қат-
нашган чоғимдан бошлаб
оромгоҳнинг катталари
билан суҳбатлар қилдим ва
бу суҳбатларни қоғозга
туширдим.

«Нилуфар»да ўтаётган
дамлар ҳар бир боланинг
ёнида умрбод қоллишига
ишонса бўлади. Бунга бо-
лаларнинг чеҳрасидаги
ширин табассумдан би-
лиш мумкин.

Усмон УСМОНОВ.

«Наргис» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Юсуфхона қишлоғида ёнма-ён жойлашган бешта оромгоҳдан бири. Ҳар мавсумда 300-350 нафар уғил-қиз саломатликларини мустаҳкамлашадиган даргоҳга Василя опа Фуломова бошчилик қилади. Урта Овул туманлараро ҳиссдорлик жамияти ва аграр машина сервиси ходимларининг ҳомийлигида спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари, қувноқ аргимчоқ ва атракционлар ҳамisha гавжум, — дейди Василя опа. Спорт мусобақалари, расмлар ва истеъодлар

ҲИНАМАГАН, КУЛМАГАН БОЛА ҚОЛМАДИ

куриги, викторина ва денгиз байрамлари утказишда ҳам моддий рағбатлар ташкилотчилари — ҳомийлар.

12 гектар майдонли оромгоҳ боғида мевалар фарқ пишган. Лаззатли шарбатлар, ширин таомлар ҳам шу боғ маҳсули.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси милиция катта лейтенанти Журабек ака Шамшиметов болаларнинг тинчлиги, хавфсизлигига посбонлик қилса, шифокор Хулқар Дустматова ва Умида Тешабое-

валар саломатликларининг посбони бўлишди. Айниқса, Орол буйидан келиб, дам олаётган болаларнинг саломатликлари қаттиқ назоратда. Тиббиёт бўлимига урта ва юқори босимдаги нур билан даволаш мосламалари урнатилган, дори-дармон етарли. «Шифобахш стол»дан эса турли доривор гиёҳлардан тайёрланган яхна, чанқовбосди ичимликлар аримайди.


Яқинда оромгоҳда дам олаётган санъатсевар болалар қўшни — Амир Темур номли ором-

гоҳга — «Чорвоқ-96» санъат фестивалини утказишга йўл олишди. Бу ерга яна ён-атрофдаги — «Тўлқин», «Ёш куч», «Нихол» номли оромгоҳлардан ҳам меҳмонлар келишди. «Эколот», Тошкент шаҳар фонди, «Сти-морол» компаниялари ҳомийлик қилган ушбу санъат байрами жуда қизиқарли утди. Фестивал миллий мусиқа журлигида очилди, куй рақсга, рақс қўшиққа уланди. Дам олувчи болалар «Қўзичоқ», «Булбулча», туркча, ҳиндча рақс-

лар, «Озодлик» номли колумбача рақс ва қўшиқлар ижро этиб меҳмонларни хушнуд қилишган бўлса, «Булбулча», «Юлдузча» болалар дасталари ўз чиқишлари билан тенгдошларининг олқишига сазовар бўлишди.

Санъат фестивалида уйнамаган, қўзнамаган бирорта ҳам бола қолмади. Байрам нафақат болажонлар, катталарнинг ёдида ҳам узоқ сақланиши тайин.

Нилуфар ДАВИДОВА.



Турақўрғон туманидаги 4-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Бобирбек Нейматов «Ёш биологлар» тўғарагининг фаол аъзоси. Бу йил бўлиб ўтган иқтидорли ўқувчилар V республика анжуманида ўз ишлари билан иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини қўлга киритди.

— Бобирбек, тупроқни соғломлаштиришнинг асосий омилларидан бири Калифорния қизил чувалчанглари дедингиз. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб беринг.

— Калифорния қизил чувалчанглари кўпайтиришни барча жамоа ва ҳўжаликларда, мактаблар ва ёш табиатшунослар масканларидаги ўқув таъриба майдонларида, ҳатто ҳар бир хонадонда ташкил қилиш мумкин. Бу чувалчанглари барча турдаги ҳайвон гўнглари, усимлик шох-шаббалари, барглари, озиқ-овқат қолдиқлари ва бошқа ҳўжалик чиқиндилари билан озиқланиб тез соф ўғит, яъни биогумус ҳосил қилиш хусусиятига эга. Митти ёрдамчиларнинг бу хусусиятидан америкалик фермерлар кўп йиллардан бери фойдаланиб келмоқдалар. Ҳар йили қишлоқ ҳўжалигида бир гектар ерга 30 тонна гўнг солиш керак бўлади. Бунинг учун талайгина ишчи кучи, техника, қолаверса ёнилғи мойлаш материаллари сарф бўлади. Худди ана шу 30 тонна гўнгдан 18 тонна экологик соф биогумус олиш мумкин. Вилоят усимликларни ҳимоя қилиш станцияси лаборатория мудири, биология фанлари номзоди Раҳимжон ака

гумусни ажратиб олиш учун ясама элак бўлса бас. Эни 150-200, чуқурлиги 70 сантиметр хандақ қазиб унга 50-60 фоиз намликка эга бўлган жонивор ёки парранда гўнги, усимлик қолдиқлари 15-20 сантиметр қалинликда ёйилади. Сўнгра ҳар бир квадрат метр ҳисобига 2000-3000 донна чувалчанг қўйиб юборилади. Чувалчанглари тезда ишга киришиб берилган озуқани пастдан бошлаб еб чиқади. Чувалчанглари бир меъёрга усиши учун озуқа доимо намлаб турилиши ҳамда сўндирилган оҳак ёрдамида кислотали муҳит нейтралланиши керак.

Ҳаво ҳароратининг 20-25 даража иссиқ бўлиши чувалчанг-



пайтда уларни бошқа хандаққа кучириш, ташиш ва ундаги биогумусни олиш мумкин.

Ҳозирда вилоятимиздаги Турақўрғон, Косонсой, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон туманларидаги мактаблар ва ёш табиатшунослар масканларида Калифорния қизил чувалчанглари осонгина кўпайтириляпти.

— Тўғарагингизда «Тирик

сўв» ҳақида ҳам гап боради...

— Ҳа, ички касалликлар, яра-лар, томоқ огриқлари ва бошқаларни даволашда, усимлик уруғларининг унишини тезлаштиришда, қийин илдири олади-ган хитой атиргули, фикус, фуксия, лимон каби гулларни кўпайтиришда «тирик сўв»нинг аҳамияти катта. «Тирик сўв» ҳосил қилиш учун катта-катта мосламалар яратиш керак. Биз Наманган саноат-технология институти профессори Қаҳрамон ака Гафуров раҳбарлигида лаборатория шароитига ҳос мослама яратдик.


— Мослама оддий иккита зангламас пластина, ток утказмайдиган эпоксид таглик ҳамда ток утказса-да, сўвни утказмайдиган брезент қопчадан иборат...

Шу кўни Бобирбек чувалчанглари «Тирик сўв», унинг мосламаси ҳақида салмоқ билан жуда кўп яхши гаплар айтди. Эзгу мақсадлар билан яшайётганини баён этди. Тенгдошининг орзулари йўлдоши бўлсин, дер эканмиз, сиздан ҳам Бобирбек каби ихтиролар дунёсига фарқ ўқувчилар ҳақида хабар беришингизни илтимос қиламиз.

Феруза ОДИЛОВА.

Суратда: Бобирбек Нейматов устозлари билан таъриба хонасида.

ЖИЗИЛ КАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГЛАРИ




Тожиҳмедов билан олиб борилган таърибаларимиз натижасида бир гектар ерга солинган 3,0 — 3,5 тонна биогумус икки уч йил мобайнида юқори ҳосилни қафолатлади. Шунингдек, ишчи кучи сарфи, техника ва ёнилғи мойлаш материаллари ҳам 5-6 марта тежалди.

— Калифорния қизил чувалчанглари қандай боқиш мумкин?

— Боя айдим-ку, чувалчанг боқиш учун кўп нарсаси керак эмас. Замбилгалтак, белкурак, сўв сепиш учун резина шланг, лакмус қоғози, термометр, био-

ларнинг яхши кўпайиши ва тез ишлашини таъминлайди. Улар бир вақтнинг ўзида тухум қўйиб, жуда тез кўпаяди. Берилган озуқани 5-7 кўн мобайнида еб тўғатган чувалчанглари ипак курти сингари хандақнинг юза қисмига жойлашади. Худди шу пайтда яна озуқа берилади. Тайёр бўлган биогумус тўрт сингари қават-қават бўлиб тўпланади. Уни олиш учун эса чувалчанглари хандақ юзасига тўпланган пайтда таг қисмига 3-5 миллиметр оралиқли сим тўр қадалган озуқали қўти хандақ устига урнатилади. Чувалчанглари тўр тешиклари орқали қўтидаги озуқани ёйиш учун утади, ана шу



Азиз укувчи! Келинг, шу улуг туй арафасида бу улуг инсоннинг туркий халқлар учун қилган хизматлари, унинг давлати таркибига кирган ҳудудлар ҳақида уқийлик.

Амир Темурнинг дунёга келиши ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай ёзди: «Қозонсултонхон салтанати замонида подшоҳлик тонги Аллоҳ тақдир этган уфқдан ёриша бошлади. Ва шаҳаншоҳлик юлдузининг нурлари тангри иноятлари авжида порлай бошлади. Етти юз уттиз олтинчи йил йигирма бешинчи шаббонда сешанба кечаси (1336 йил, 8 апрель), яъни мугуллар даврий йил ҳисобининг бошланиши булган сичқон йили, Кеш шаҳри атрофидаги бир дилкаш жойда, пок шаръий қоидага мувофиқ ул динпарвар нуёнинг никоҳида булган поиза Тагина Хотуннинг чодиридан ҳазрат соҳибқироннинг вужуд офтоби бахтли чиқиш уфқида куринди:

**Бахт иқболдан дарак берганда,
Бир номдор ўғил туғилди унда!**

Кеш шаҳри ҳозирги Шаҳрисабздор. Урта асрларда бу шаҳар шундай деб қайд этилган. Амир Темур шу шаҳардан ун чақиримча келадиган қишлоқда таваллуд топди. Амир Темурнинг отаси Тарағай Муҳаммад Баҳодур барлос қавмига мансуб бўлиб, зодагон тоифасдан эди. Онаси Тагина Бегим Моҳ (баъзи манбааларда Некия) асли бухоролик бўлиб, таниқли дин пешвоси Садр — аш — шариаъ Убайдуллоҳ ибн Аҳмад Маҳбубий Бухорийнинг қизларидир. Отаси Тарағай Баҳодур уз углининг уқимишли бўлиб етиштиришда катта хизмат қилган. Ёш Темур дунёқарашининг шаклланишида амакиси Хожа Барлоснинг хизматлари катта булган. Темур мактабда уқир экан, ислом таълимотига оид уғитларни бутун қалби билан тингларди. Унинг Қуръонни улугвор ҳақиқатларини диққат билан тинглаши ва мушоҳада қилиб узлаштиришидан хабар тошган кеш уламолари Темур сиймосида булгуси уламои замон етишиб келаётганини курган эдилар. Темур Қуръон қироатини шу қадар тез узлаштирардики, буни курган устози ҳайратга тушарди. Унинг Қуръон тиловатини эшитган матофурушлардан бири қойил қолиб белбоғ ва салла совға қилади. Куролсоз уста булса феруза дастали шамшир ҳадя этади. Темурнинг гудаклик кезлари ҳақида Шарафиддин Али Яздий яна ёзди: «Эмизикли даврини утаб, эси кириб қолган ёшга етганда унинг юриш туриши беклардек, салтанат ва жаҳонэрлик буйи худди баҳор насими келтираётган райхонлар атридек таралади. Сузи ва ишининг қатъийлигидан сарварлигу, кудратлилик нури худди озор ойи (эронликлар қуёш солнома-сидаги туққизинчи ой (яъни 22 ноябрь — 22 декабрь) булутининг чақмоғи утидек чақнарди:

Ўйин бўлсада иши унинг фақат,

Лекин нияти эди тож ила тахт.

Бир бола сипоҳига эди амир,

Бошқаси тайинланган эди вазир».

Ҳа, ёш Темур табиятида зийнатта-лабликлар бўлишига қарамай у юмшоқтабиат, ёқимли, теран зеҳли бола эди. Шу билан унинг қалбида ботирлигу довураклик ҳам мужассам булган.

Уша даврининг машҳур муаррихи Аҳмад Ибн Арабшоҳ узининг «Ажойиб — ал — мақдур» асарида шундай деб ёзган: «Темур қарашлари мулоийм бўлиб, улимни асло писанд қилмасди. У ёлгон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳақиқат қанчалик аччиқ булмасин,

Азиз болалар! Лайлак келди, ёз булди, қаноти қоғоз булди, қушигини баралла айтиб, олтин ёз утмоқда соз, деб юрган ёш дустлар! Биз уйлагандай ва сиз уйнагандай ёз мавсуми — соз мавсум, албатта. Аммо бу мавсумда ҳамма болалар ҳам «уқишдан хуп қутулдик-да, э, кун буйи уйнаб-уйнаб росаям маза қиляпмиз-да» деяётгани йўқ. Куп болалар, қушгина тенгдошларингиз (баъзи сиздан кичикроқлар ҳам) ёз мавсумини аллақачон... МУТОЛАА МАВСУМИ...га айлантириб юборишган. Улар, биз сизга айтсак, «куп уқиган — куп билар», «такрорлаш — билимнинг онаси» эканлигига аллақачон иқрор бўлишган.

Кейин... улар, улуг, катта туйгаям қуруқ боришни, қутилмаганда уялиб қолишни ёқтирмайди. Ҳа, ТУЙдан хабарингиз бор. Шунд-о-о-қ каттакон туйдан-а?! Улуг Амир Темур соҳибқирон бобомизнинг шу сентябрда утказиладиган туйидан албатта

КАТТА ТУЙ арафасида улуг бобомиз, бобомизнинг ким булгани-ю, туркий халқлар учун қилган ҳар не хизматлари ҳақида уқиб-билиб олганингиз тузук. Уқигандаям асл китобларни, дейлик, Темур даври машҳур тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг китобларини, Темурнинг асарларини, «Темур тузуклари»ни уқиганингиз жуда маъқул. Жуда китоб тополмасангиз сиз севган «Тонг юлдузи»да босилаётган мақола ва материаллардан уқинг. Унутманг, ёшлиқда уқиш — мрамарга ёзиш, қариликда уқиш — сувга ёзишдир.



БОБОМИЗНИНГ БҲҲҲ ХИЗМАТЛАРИ

уни эшитишни хуп қуларди. Жасур, аскарларнинг дусту, гоятда довурак булган бу одам кишиларни узини ҳурмат қилишга, узига буйсундиришга мажбур эта биларди».

Амир Темур 24-25 ёшларида Кеш ҳокими даражасига эришди. 1364 йилда Темурбек ва унинг амакиси Хожа Барлос Моварауннаҳрни мугуллар яғмосидан озод этиб, қўлга киритишга муваффақ булдилар.

1370 йилда Амир Темур Самарқандни батамом қўлга киритади ва бутун Моварауннаҳрнинг Амири сифатида танилади. Уша кезлари соҳибқирон 34 ёшда эдилар.

35 йиллик сиёсий фаолияти даврида 30 маротаба ҳарбий юришлар қилиб, 27 мамлакат ҳудудини узига бирлаштирган бениҳоят катта империяни ташкил этишга муваффақ булади. Бу ҳусусда «Темур тузуклари»да қуйидагиларни уқийшимиз мумкин: «Йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим». Буюк соҳибқирон мана шундай улкан ҳудудда маданият ва иқтисодийни юксалтириб, адолат шамширини юқори кутарди.

Юқорида қайд этганимиздек, уринли савол туғилади. Ҳазрати бобомизнинг эл-юрт олдидagi тарихий хизматлари нималардан иборат? Албатта, Амир Те-

мурнинг жаҳоншумул хизматлари ҳақида китоблар ёзиш мумкин. Лекин биз фикримизни ихчамроқ ифода қилмоққа интилиб, йирик тарихчи олим, академик Бурибой Аҳмедовнинг шу ҳусусдаги хулосасини қайд этмоқни лозим топдик.

«Амир Темур фаолияти жаҳон ва Моварауннаҳр тарихи учун энг камида турт жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир.

Биринчидан, у яратган давлат мугуллар истилоси натижасида таназзулга юз тутган, топталган қадимий турмуш тарзини, яъни утрок ҳаётга, деҳқончилик, ҳунармандчиликка ва илм-фанга асосланган юқори цивилизацияни қайта тиклади ва Моварауннаҳрни иқтисодий ва маданий ҳалокатдан ҳалос этди. Бу фақат Моварауннаҳр учунгина эмас, балки бутун жаҳон учун катта аҳамиятли, оламшумул ҳодиса эди.

Иккинчидан, Амир Темур Моварауннаҳрда узоқ давом этган мугуллар истибдодига барҳам бериб, мустақил давлат юзага келтирди. Бунинг натижасида Темур ва темурийлар даврида маҳаллий халқлар давлатчилиги ривож топди. Ободончилик ва маданият юқори даражага кутарилди. Жаҳон тарихида фан томонидан «Темурийлар даври маданияти» ёки «Шарқда Ренессанс (қайтадан тикланиш, уйғониш) даври деб атал-

Мутолаа мавсуми

миш бутун бир маданий ҳодиса юзага келди.

Учинчидан, Темур буюк лашкар боши ва давлат арбоби сифатида феодал давр учун мукаммал булган давлат идораси назариясини яратди. Феодал анархияси даврида мамлакатни эркин ривожланиш ва гуллаш даври йўлига бошловчи бу давлат назарияси фақат темурийлар учунгина эмас, кейинги ҳамма авлодлар учун ҳақ неча асрлар давомида дастурул амал бўлиб қолди. Унинг куп муҳим томонлари бизнинг кунларимизда ҳам уз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Туртинчидан, Амир Темур буюк шахс сифатида ҳамма замонлар ва ҳамма халқлар учун ибрат намунаси, моварауннаҳрликлар учун эса фахр туйғуси бўлиб қолди. Унинг шахсида Аллоҳнинг иродаси билан ғаммасига тушган тарихий бурчни аниқ тушуниши, олижаноб гояга содиқлик, маънавий софлик ва юксаклик, мақсадга тинмай интилиш, фидойилик мужассам эди. Амир Темурнинг уз замонасидаёқ халқ орасида жуда катта обрўга эга булгани сира бежиз эмас. Ибн Арабшоҳ ута кутаринки руҳда ёзган эди: «Уларнинг муҳаббати Темурга шунчалик кучли эдики, мабодо Темур пайғамбарлик даъво қилса, улар албатта унинг даъвосини тасдиқлар эдилар».

Амир Темурнинг тарихий хизматлари ва олижаноб сифатлари уни жаҳон тарихини энг ёрқин сиймоларидан бири қаторига қўйди.

Умуман, улуг бобокалонимиз Амир Темур яратган тарих-табаррук обидалар, беҳисоб моддий ва маънавий мерос замондошларимиз ва авлодлар учун ибрат намунаси, зиё сабоғи бўлиб қолаверсин.

**Муҳаммад АҲМАД,
«Камолот» жамғармаси
қошидаги
«Халқаро Амир Темур
экспедицияси матбуот хизмати
бошлиғи.**

Таҳририятдан: Азиз укувчилар!
Шу йилнинг июнь ойида Респуб-
лика ёшларининг «Камолот»
жамғармаси қошида Фаоллят
курсатаётган «Амир Темур хал-
қаро йлмий экспедицияси» «Сур-
хондарё йуналиши» сафарини
уюштирди. Сафар давомида шу
нарсга аён булдики, ҳали бобомиз
қадамжопарини урганиш бора-
сида ҳам қилиниш зарур булган
лишлар бениҳоя куп экан. Биз учун
кечиктириб булмайдиган муҳим
вазифалардан бири Амир Темур
халқ жонли тилида мавжуд бул-
ган ҳаёт ва фаолиятига оид ри-
воят, афсона, нақлларни тезроқ
қоғозга тушириб қолишдир. Улар
тарихий қўлёзмалар даражасида
қимматли булмасида, оддий
халқнинг Амир Темурга муноса-
батини билишда муҳимдир.

Умид қиламизки, бу ишда сиз-
лар ҳам бизга кўмакдош була-
сизлар.

Ёш улуг инсонлар билан ҳам-
суҳбат булиб, соҳибқирон ҳақи-
даги ривоятларни ёзиб олиб, ре-
дакцияга йўлласангизлар айни
муддао буларди.

Ёзиб олаётганда айтувчининг
исми-шарифини, ёшини, касби-
ни қайд этишни унутманг. Мабодо
бу ривоятни китобдан кўчириб
олган бўлсангиз ҳам уша китоб-
нинг номи ва йилини кўрсатинг.

ОДОБ ТУРЛАРИ

(Шу номли туркумдан)
Одоб ўзи бир сўз, лекин
Айтаверсак тури куп.
Катта бир сўз деганида
Дарров десак: — Лаббай, хуп.

Ва бажарсак биз уларнинг
Айтганларин шу замон
Шунинг ўзи бир одобдир
Одобсизлик бу ёмон

ДУО ОЛИНГ

Дуо ўзи нима экан
Мен айтайин, билиб олинг.
Дуо олган кам бўлмайди,
Зийрак бўлиб, илиб олинг.
«Олтин олма, дуо ол» деб,
Билиб уни улуглашар.
Дуо олган куёвдайин
Бахти кулиб узоқ яшар.
Болаликдан умримизга
Кут-барака шу дуодир.
Дуо бизга яхши тилак
Тилаш айни муддаодир:
Балли болам, яша, раҳмат,
Бошинг тошдан бўлсин дерлар,
Ол, олдирма, ризқли бўлгин,
Уйинг донга тўлсин дерлар.
Ҳеч ёмонни раво қўрмас
Бизни дуо қилган киши.
Ер ёмгирдан қўқаргандек
Қуқартмоқдир дуо иши.



Шундан дуо олинг деймиз,
Узоқ яшаб қариб юринг.
Кексаларга ҳамдам бўлиб,
Ён-веризга қараб юринг.

ЭЗМА БЎЛМАНГ

Эзма бўлмаг эзилиб,
Гапиринг қисқа, чаққон.
Биласизми, эзмалик —
Ўзи бу кимдан чиққан?
Мен биламан, ишқмас
Дангасалар ҳунари.
Меҳнатсевар бўлсангиз,
Эзмалик сиздан нари.

ЎЖИРИШ ЎЖИРИШ ҲИМА?

Утирганда туядек,
Чуқиб куп жойин олма,
Ён-верингга қарагин,
Асло уятга қолма.
Қара, қандай ярашар
Йигитлар чордонаси.
Саф чекиб утирсалар,
Дейсан анор донаси.
Юриш-туриш ҳам шундай
Инсон ҳусни унутма.
Яхши бола бўл, зинҳор —
Ранги-руйинг унқма.
Ҳар бир майда ишда ҳам
Бордир одоб белгиси.
Ақл билан иш тутган
Бола одам бўлгуси.

ТАН ЖОҲЛАР

Гапирганга гап топилар
Керагича.
Шошма дейман, маҳмадона
Булма пича.
Аввал қулоқ бергил қандай
Гапчилига.
Орқа-олдин ўйлаб, унғми

Шоирлар — болаларга



Чағлигида.
Ҳа, уялиб қолмайдиган,
Бул аввалам.
Ўрни келса дерлар:
— Қани гапир болам!
Мана энди нима дейсан,
Эшитайлик,
Яхши гапдан
Қулогимиз пиштайлик.

ОМОН-ОМОН

Янги меҳмон келиб бутун
Уйимизга
Ҳамма хурсанд, буй қўшилиб
Буйимизга.
Бир уй бола талашишар,
Меники деб,
Конфетингни берсанг майли,
Сеники деб.
Бири кунса, бири кунмас,
Жанжал ёмон
Уришманглар, ярашинглар,,
Омон-омон.

АЙТИШМА

Катта-кичик ким бўлмасин
Айтишма ҳеч.
Одам бўлай десанг бола
Манманликнинг баҳридан кеч.
Бир гапдан қол
Қизиб турган
Қозон бўлар баъзан киши.
Қура туриб, олов билан
Уйнамоқлик кимнинг иши.

ТАОМНИ КИМ ҚАНДАЙ ЕЙДИ?

Таомни ким қандай ейди,
Келинг бирга кузатамиз.
Билмагандан кулиш эмас,
Камчилигин тузатамиз.

Ултиришиб дастурхонни
Атрофини урашибмиз.
Ким қўлини ювмаган, деб
Навбат билан сурашибмиз.

Нор ювмаган чиқар фақат
Тирноқлари усган бирам.
Чала ювиб, артмаган ҳам,
Капқир товшин кутар Икром.

Овқат келар кенг уртага
«Олинг-олинг» бўлмай ҳали.
Кутчиликка қараб турсанг,
Лаганга қўл чўзар Вали.

Одоб нима билишмайди
Сира овқат қўрмагандек.
Оғзилари куймай иссиқ,
Ошни шошиб ерлар қандай?

Ҳеч қанча вақт утмай ҳали
Таом тутаб, лаган бўшар,
Ўз-ўзимга дейман: — Менинг
Уртоқларим кимга ухшар?

Толиб Йўлдош.



(Давоми. Боши ўт- ган сонларда).

Ибн Синонинг онаси Ситорабону асли афсоналик бир дехқон қизи бўлиб, қишлоқда ҳусн бобида унга етадигани йўқ деса янглиш бўлмас. Ҳусайн ўз онаси билан ҳаммаша фахрланар, уни жондан ортиқ суярди. Унинг меҳнатсеварлиги, отасига бўлган беқийс ҳурмати, фарзандларига меҳрли муносабати ёш Ҳусайн қалбида онасига нисбатан чуқур меҳр уйғотган.

Ёз ойлари, айниқса саратонда Ҳусайн кун исиб кетган кезлари онаси билан кечалари томга чиқиб ётишарди. Ушанда ҳамма ухлаб қолса ҳам, Ҳусайн ухламас, само бағридаги беқийс юлдузлар чамани, сеҳрли коинот уни ақлу-хушини банд этар, айтадиган сузлари, саволлари куп бўларди.

Ёш Ҳусайннинг ҳаёллари бўлиниб, уйқуси қочиб кетар, кейин онасини гапга тутар, Ситорабону уйқули кузлари билан:

хай-хайлашга қарамай, варака берилиб кетиб, Сирож орқаси билан томдан пастга ағдарилиб тушди. Ҳар тугул том унчалик баланд эмас эди, бунинг устига уй орқасига қиши билан йиғилган гунларни йиғиб қуйишган экан. Сирож юмшоққина ерга йиқилди, соғ-омон қолди.

Ҳусайннинг отаси Абдуллоҳ хужалик юритишга уста эди, дехқончиликдан чиққан сабзи, шолғом, турп, пиез ва бошқа сабзавотлар куз бўлди дегунча урага солиниб, саранжом-саринишга қилиниб олинарди. Абдуллоҳ иқтисод юзасидан деб куп хизматкор сақламасди, амалдорман деб гердаимас, ўзи ҳам заҳматқаш, баъзан хизматкорлар билан баб-баравар ишлашар, Ҳусайнни ҳам меҳнатдан четда қолдирмасди.

Богда урик, шафтоли, олма куп эди. Оқ, қора, қишмишни айтмайсизми?! Ҳаммасини қуришиб, майиз қилиб, кейин қиши билан пуллашарди.

Ҳар йили Ҳужанддан саржинчилар келишар, Абдуллоҳ улар би-

— Сенга эрмас, анави бачога сотурмен, деди кулимсираб.

— Чан пул? — суради Сирож ҳовлиқиб.

— Журангта сотурмен, қаранинг пешонаси ярақлаган куринур.

Сирожнинг жаҳли чиқди, кейин Ҳусайнга:

— Буюққа келсанг-чи! — зорланди.

Ҳусайн секин яқинлашди. Савдогар қўлидаги йилтироқ нарсани Ҳусайнга узатди.

— Мана кур, қуёш нурини узига ютиб, оташга айлантирур, деди хайратомуз.

— Қандай қилиб, жуда қизиқ-ку, — таажубланди Ҳусайн ва қалин ойнани ағдариб қура бошлади. Кейин қузиға тутиб Сирожга қаради, унинг калласи қузиға хумдек бўлиб қуринди. Кулиб юборди.

— Қани, буюққа бер-чи, ҳозир сенларга бир нарса курсатурмен, деди сотувчи.

Кейин ойнани қуёшга тутиб, қўлидаги пуптиранг румолчага уткир шуъласини тугирлади. Бир дақиқа утмасдан, румолча тутай бошлади. Болалар ҳайратга тушиб, бир-бирларига қараб қуйишди.

Савдогар румолнинг ёнаётган жойини қўли билан мижглаб учирди-да: «Хўш, энди не дейсизлар» дегандек болаларга қараб турди. Бу билан гўе бунақа ноёб нарса ҳеч қаерда йўқ демоқчидек.

— Буни заррабин дейдурлар, деди.

— Уни бизга сотинг, сотақолинг, — ялина бошлади Сирож.

— Неча пулларинг бор?

— Мана шу, бир дирҳам, ортиқ пулимиз йўқ, худо урсин ёлгон айтсам, шунга берақолинг.

— Журанг нечук сукут сақлайдур, индамай турибдур, унинг ҳам пули йўқми, — деди у Ҳусайнга маъноли қараб.

— Ҳусайннинг ҳам пули йўқ. икковимизники шу!

— Исмнинг Ҳусайнми? Зарробин ёқдими сенга?

— Майли, бир дирҳамга берсангиз олурмиз, деди секингина Ҳусайн.

— Сен Абдуллоҳнинг углими?

— Шундай тақсир.

— Отанга айт, Довуд салом айтди, де, хузурига борурмен. Майли дирҳамларинг узларингга. Бу тилсимни сенларга текинга бердим...

— Раҳмат, раҳмат, — деди болалар ва икковлон шу ондаёқ ҳеч нарсаси қарамай гавжум одамлар орасидан ёриб утиб, чоппанча бозордан чиқиб кетишди.

Довуднинг йилтироқ зарробини болаларга ажиб бир янглик, беқийс тилсимот эди. Аммо, бу «уйинчоқ»нинг сунги яхшилиқ билан тугамади. Икковлон бир дехқоннинг беда гарамини ёнида уни қуёшга тутиб «тажриба» қилаётганларида ут чиқиб, бир гарам беда ёниб кетди, узлари аранг қочиб кетишди.

Кейин бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очишмади, ёпиғлик қозон ёпиғлик... Сунг икковлон уни галма-галдан уйнаб юришди. Баъзан Ҳусайн ҳам уни Сирождан сураб олиб уйига олиб кетар, онаси билан томда ётган кезларида кечалари яппиринча юлдузларга, ойга солиб ҳаёл дунёсига чумар, гўе сирли олам унинг гудак қалбини мафтун этгандек...

Мақсуд ҚОРИЕВ



(романдан парча)

«Энди ухлай қолсанг-чи, уйла-ганларингнинг барчаси Аллоҳнинг амри, инояти биландур» деб, кейин бошқа томонга уғирлиб яна уйқуга кетди.

Ҳусайн эса, гудак фикри доирасида узича нималарнидир уйлар, қани энди бепоён самога учиб, ҳаммасини ўз қузи билан қуриб қайтса! Ҳа, ҳаёл яхши нарса, унинг қузғусида куп нарсаларни курса бўлади, хоҳласанг узоқ сайёраларга, Ойга ҳам учиб мумкин. Ҳусайннинг қуз унгида уша ердаги ҳаёт ва мавжудотлар намоён бўлар, гудак ҳаёллари нималарни орзу қилмайди...

Бир маҳал онаси Ситорабону уйғониб:

— Ҳой, Ҳусайн, вой улмасам, ҳалиям ухламадингми? — деб қолди.

Ҳусайн бўлса ёнига утирилди-ю узини ухлаганга солиб, қузини чирт юмиб олди.

Афсоналик қўшчиларининг Сирож деган угли бўлар, Ҳусайн купинча уша билан уйнардилар. Унинг отаси тақводор одам эди.

Ҳеч ёлдан чиқмайди, баҳор кезлари Ҳусайн Сирож билан варақ ясаб, уларнинг пастакки-на томига чиқиб учирешарди.

Сирож варақ қилишга устаси фаранг. Қамишни жуда усталик билан силлиқ қилиб йунар, кейин яхши учайди деб, қайдандир юпқа хитой қоғози топиб келарди. Варақнинг қулогига, белбоғига турли рангдаги қоғозлар ёпиштирар, шокилдасини ҳам чиройли қилиб қайчида майдалаб кесарди.

Бир кун икковлон томда варақ учирешаётганда шамол эсмай қуйди. Сирож осмонга қараб: «Шамол, бири камол, чулоқ кетмонингни олиб қоч!», деб бақирди. Шунда гўе бироз шамол эсгандек туюлди. Ҳусайн томинг бир чеккасида варақни ушлаб тураверди-ю, Сирож варақни тортиб, кейин силтаб-силтаб орқага тисланди. Ҳусайннинг

лан эскидан ошночилиги бўлган. Богдаги қуриган урик, олма дарахтларини саржинчиларга бериб, утин тайёрларди. Ҳусайн купинча саржинчилар гулхани атрофида уларнинг сузларини тинглаб утиришни ёқтирарди. Қарангки, гулхан чўғида қора қумгон қайнар, олма чойи жуда тотли бўларди.

Саржинчилар бугдой унидан ҳамир қилиб қўрга қумишарди. Уша ноннинг ширинлигини айтмайсизми!...

Солихуша деган ҳужандлик саржинчи бор эди. У анча шоирга биат одам бўлиб, Фирдавсийдан куп тизмаларни ёлдан ўқиб берарди. Ҳусайн унга маҳлиё. Уқили чиройли, тили равон эди Солихушанинг. Солихуша Ҳужандий туфайли Фирдавсийдан ёлдан олган шеърлар ҳамон Ҳусайннинг ёлди.

Афсонада ҳам ҳар жума бозор кунни ҳисобланади. Бу жума Ҳусайн Сирож билан икковлашиб бозорга йўл олишди. Сирожнинг иштонбоғига авайлаб тутиб қўйган бир дирҳами бор экан. Ҳусайнда эса қора чақа ҳам йўқ, зеро отаси углини пулга ургатмаган. Хуллас, ёлларида бир дирҳам билан икковлашиб бозор айланишди, ҳамма нарсаси ҳаридор бўлишди-ю, уша бир дирҳамга мулжаллаб қуришди, қайда дерсиз, арзимаган пулга нима ҳам берарди.

Бозорнинг гавжум жойида бир одам Ҳусайнга қараб жилмайди-ю, қўлидаги икки томони қабарик ялтироқ шишани курсатиб имлади, Ҳусайн уни курса ҳам қўрмаганликка олди.

— Ҳой бачо, мана бунни кур, гаройиб нарса бу, деди ҳалиги одам.

Ҳусайн энтиқиб, нима демоқчи бу одам ўзи, деб индамай тураверди. Афтидан бу ерлик бўлмаса керак, қуриниши ҳам бошқачароқ. Оташпарастлардан бўлса ажаб эмас.

— Аҳо, бу нима, бир курсатинг, сотасизми? — суради Сирож.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0442.
7691 нускада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25

